



2017 йил 30 март

№ 333-ч

**2017 йилда манзилли дастур
асосида қурилиши режалаштирилган
Автошоҳбекат ва савдо мажмуаси биноси
қуриш учун ер майдони танлаб
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини, тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 24 августдаги «Қишлоққурилиш» МЧЖ билан келишилган №114/07-сонли келишув хатини, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2017 йил 06 мартдаги №466-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудида яшовчи Мардиев Олим томонидан, Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган 0,10 гектар ер майдонига Автошоҳбекат ва савдо мажмуаси биноси қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф-сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 22 мартдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,10 гектар ер майдонига Автошоҳбекат ва савдо мажмуаси биноси қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида ишчи комиссиясининг 2017 йил 22 мартдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Мардиев Олимга куйидаги вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қароридан кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини уч йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектору (Ж.Абдуллаев)га Мардиев Олим томонидан тасдиқланган қурилиш лойиха асосида қуриш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натурага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Мардиев Олим томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари М.Раимшукуров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов